



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМУЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ  
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН  
ТАДЖИКСКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ




**АНВОРИ ИЛМ  
ТАФАККУРИ ТАЪРИХ  
Наشري муштарак**

**СВЕТОЧ НАУКИ  
ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ  
Объединенный выпуск**

**LIGHT OF SCIENCE  
KNOWLEDGE OF HISTORY  
Combined release**

2022, № 1



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМУЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**АНВОРИ ИЛМ  
ТАФАККУРИ ТАЪРИХ**  
НАШРИ МУШТАРАК

---

**СВЕТОЧ НАУКИ  
ПОЗНАНИЕ ИСТОРИИ**  
ОБЪЕДИНЕННЫЙ ВЫПУСК

---

**LIGHT OF SCIENCE  
KNOWLEDGE OF HISTORY**  
COMBINED RELEASE

---

**2022, № 1**

**Панҷакент - 2022**

**МУАССИС:**  
Донишхонадан омӯзгори Тоҷикистон дар  
ш.Панҷакент

Анвори илм, тафаккури таърих,  
2022, № 1. – Панҷакент, 2022. – 278 с.

Светоч науки, познание истории,  
2022, № 1. – Пенджикент, 2022. – 278 с.

Light of science, Knowledge of  
history, 2022, № 1. – Panjikent, 2022. –  
278 s.

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа  
омада бо нуқтаи назари таҳририят созор  
наомаданиш мумкин аст. Барои дурустии  
иктибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷан  
илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо  
масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с  
мнением авторов. За достоверность цитат и  
ссылок, научный уровень, стилистику статей  
ответственны авторы.

The opinion of the editorial board does not  
always coincide with the opinion of the  
authors. The authors are responsible for the  
reliability of citations and references, the  
scientific level, and the style of the articles.

Дар вазорати фарҳанги Ҷумҳурии Тоҷикистон  
аз 16.02.2020 ба қайд гирифта шудааст (№148,  
149)

**Сармұхаррир:**

Анвори Музтаммон, профессор

**Мухаррири масъул:**

Воҳидов Шадмон, д.и.т., профессор

**Котиби масъул:**

Шарифова Гулшарӣ, н.и.ф. дотсент

**Манзил:**

735500, Ҷ Ҷумҳурии Тоҷикистон, вилояти

Сугд, ш.Панҷакент, хиббони Рӯдакӣ – 106.

t-mail: ramit555@inbox.ru

**Ҳайати таҳрирӣ/Редакционияи каллегии:**

Абдуллоева М.А. д.ф.п.профессор  
(Тоҷикистон)

Азизов А.А. д.ф.п.профессор (Тоҷикистон)

Аҳадов Б.Ф. (Қазоқистон)

Гаффорӣ Н.У. д.ф.т., профессор (Тоҷикистон)

Гаффоров Ш.С. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Ғойибов Б.С. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Исақова М.С. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Қиямов Н.С. д.п.н., профессор (Ўзбекистон)

Қобулов Э.О. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Н. М. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Мирзоюнус М.М. д.ф.ф., профессор  
(Тоҷикистон)

Муминов А.Қ. т.ф.д.профессор (Туркия)

Мухамедова Д.Ғ. д.ф.равон.профессор  
(Ўзбекистон)

Набиёва В. д.ф.т., профессор (Тоҷикистон)

Нормуродова Г.Б. д.ф.т., профессор  
(Ўзбекистон)

Петрусевич А.А., д.ф.п., профессор (Россия)

Расулов А.И. д.ф.равон.профессор  
(Ўзбекистон)

Раҳимов Н. д.ф.т., профессор (Тоҷикистон)

Резван Е. Т.ф.д.профессор. (Россия)

Сабурӣ Х. М. д.ф.п.профессор (Тоҷикистон)

Сафаров Н.С. д.ф.равон.профессор  
(Ўзбекистон)

Сафаров Т. Т.ф.н.дотсент (Ўзбекистон)

Турсунов С.Н. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Халиқова Р.Э. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Ҳайитов Ш.А. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Шамсия У.Б. д.ф.равон.профессор  
(Ўзбекистон)

Шарапов Ш.Х. д.ф.п.профессор (Тоҷикистон)

Эркинов А. С. Д.ф.ф., профессор (Ўзбекистон)

Эшов Б.Дж. д.ф.т., профессор (Ўзбекистон)

Эшонқулов И. Н.ф.ф., дотсент (Ўзбекистон)

© ДОТН, "Анвори илм", "Тафаккури  
таърих" соли 2022.

## ХАТ ТУРЛАРИ, УСЛУБЛАРИ ВА ХАТЛАРНИ КАШФ ЭТИЛИШ ТАРИХИ

**Хусен Хайруллоевич ДЖУРАЕВ**

*Бухоро давлат университети "Ислом тарихи ва манбаишунослиги, фалсафа"*  
кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

[.husaynbuxoriy@mail.ru](mailto:husaynbuxoriy@mail.ru) +99890.715-16-41.

**Аннотация:** Мазкур мақола муқаддас Ислом дини мукамал шакллангандан кейин, Куръонга бўлган муҳаббат ва уни бир ўлчовда гўзал кўчиришда эҳтиёж сезилади. Ушбу ишни амалга ошириш учун хат санъати дунёсида араб ёзувини тартибга солиш ва аниқ математик ўлчов бирлигини яратишда уч нафар машхур хаттотлар олти хат турига асос солганликлари ҳақида тарихий фактлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Араб, Куръон, Бухоро, хаттот, хат, ўлчов, услуб, алифбо, хуснихат ва етти хат.

**Аннотация:** Данное статья о совершенном становлении священной религии Ислам, любви к Корану и необходимости его красивого копирования. Для этого приводятся исторические факты о том, что три знаменитых каллиграфа основали в мире письменного искусства шесть типов арабского письма и создании точной единицы математического измерения.

**Ключевые слова:** Араб, Коран, Бухара, каллиграфия, письмо, измерение, стиль, алфавит, каллиграфия и семь письмо.

**Annotation:** This article is about the perfect formation of the sacred religion of Islam, love for the Koran and the need for its beautiful copying. For this, historical facts are given that three famous calligraphers founded six types of Arabic writing in the world of written art and the creation of an exact unit of mathematical measurement.

**Key words:** Arabic, Koran, Bukhara, calligraphy, writing, measurement, style, alphabet, calligraphy and seven letters.

Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўрта Осиё халқларининг маънавий маданият тарихи қадимий бўлиши билан ва кўп соҳаларда юксак тараққиёт босқичга эришганлиги билан бу кунда бутун дунё илм-фан аҳли томонидан эътироф этилмоқда. Ўрта Осиё халқлари ўз ўтмишида бир неча бор юксак иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт босқичларини бошидан кечирган.

Уйғониш даврида Ўрта Осиё, хусусан, Бухорода хаттотлик санъатининг тараққий этиши. Шу ўринда хаттотлик санъати ҳақида қисқача тариф берадиган бўлсак, хаттотлик (араб. – хуснихат ёзувчи), каллиграфия – ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ва меъморий иншоотлар, бадиий буюмларнинг китобатларини яратиш касбидир. Ёзувнинг пайдо бўлиши натижасида юзага келган. Айниқса, араб ёзувининг кенг тарқалиши туфайли хаттотликнинг ривожланиши жадаллашган. Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда китоб босиш вужудга келгунига қадар кўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн<sup>1</sup> кўчириш) билан хаттот ва котиблар шуғулланган.

<sup>1</sup> Матн – китобнинг асосий қисми бўлиб, унга айрим хошия ёзувлари, жадвал, пойгирлар кирмайди.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари томонидан ислом динининг қабул қилиниши муносабати билан бу ўлкага “Қуръони карим” нозил қилинган араб ёзуви кириб келди. Ислום дини тарқалганидан кейин тасвирлар ўрнини ёзувлар ҳамда нақш эгаллаган. Ўрта Осиё халқлари муомаласидаги қадимий уйғур, ўрхун-энасой, суғд, хоразмий ёзувлари истъмождан чиқиб, VII аср охиридан араб ёзуви илму-фан ва давлат ишларида расмий ёзувга айланган. Араб алифбосининг дастлабки намуналари ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келган. Айрим манбаларда унинг илк намунаси сифатида VII – VIII асрларда “хатти маъқалий” хати тилга олинган. VII асрдан бошлаб унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимийси ҳамда энг машҳури ҳисобланган “хатти куфий” эгаллаган.

Куфий хатининг заминидан янги турлари ихтиро қилина бошланган. Хусусан, X асрларга келиб хат услублари ҳуснихатга, хаттотлик эса санъат турига айланиб улгурган. Ушбу санъат турини кейинчалик бутун мусулмон шарқи котиб ва хаттотлари такомиллаштириб машҳур олти хил хат турлари шаклланиб, бугунги давргача мазкур турларга асосланган ҳуснихатнинг 100 га яқин хат услублари яратилган<sup>2</sup>. Айрим олимлар ушбу олти хат ёнига XIV асрда тавқе ҳамда рико хатлари асосида ихтиро қилинган таълиқ хати билан кўшилиб, асосий етти хил хат тури қилиб кўрсатадилар. Мазкур хат турлари хаттотлар тилида “Ал-хутут ас-сабъа”, яъни “етти хат” – деб юритилган<sup>3</sup>.

Хаттотлик санъати тарихидан маълумки, хат турлари ҳамда услубларини кашф қилган ҳамда хаттотлик мактабларини шакллантирган буюк хаттотлар “куфий” хати ихтирочиси Абу Али ибн Муқлаъ<sup>4</sup> шогирдлари “муҳаққак ва райҳоний” хатлар ихтирочиси устоди аввал Абул-Ҳасан Али ибн Ҳилол - “Ибн Баввоб” ҳамда Ёқут ал-Мустаъсимийлардир<sup>5</sup>.

Абу Али ибн Муқлаъ – (ҳиж. 272 мил. 886. – ҳиж. 328 мил. 939-940) хаттотлик санъатида биринчи хаттот ҳисобланган. Ибн Муқлаъ куфий хати асосида биз юқорида кўрсатиб ўтган араб ёзувининг етти асосий турини (муҳаққак, сулс, райҳоний, насх, тавқиъ, рикоъ ва таълиқ хати) ихтиро этган. Афсуски, Ибн Муқлаъ кўли билан ёзилган хат намуналари бизгача етиб келмаган<sup>6</sup>. Биринчи куфий хатини проқия услубига кўчирган хаттот Абу Али ибн Муқлаъдир (X аср). Ундан кейин Абул-Ҳасан Али ибн Ҳилол Ибн Баввоб (XI аср) хат услубининг гўзаллигини ошириб бадиийлаштирган. Сўнг моҳир хаттот Ёқут (XIII аср) хатидаги услубларини охирига етказган ҳамда такомиллаштирган. Араб хати ҳақидаги биринчи рисола миладнинг 296-908/909 йилда улуғ хаттотлардан Исҳоқ бинни Иброҳим Тамимий ёзган деган хабар бор. Тамимий ўзининг “Тухфаи вомиқ” номли рисоласида араб

<sup>2</sup> <http://notiq.uz/xizmatlar/xattotlik/istiqbolli-yosh-sanatshunos>

<sup>3</sup> Абдулғафур Раззок Бухорий. Ҳуснихат дурдоналари. – Т.: Мовароуннаҳр. 2008. – Б. 5.

<sup>4</sup> ابن مقلة اينجمله رادر خواب از امير المؤمنين على كرم الله وجهه تعليم گرفت.

<sup>5</sup> كلام شريف ديكر بخط استاذ الكتاب مسلم الافاق في الكل باب ياقوت مستصمى است. اسم شريف جمال الدين است از جمله مملوكان مستصم خليفه كه اخيرين و سى هشتم خلفای عباسى است كه در قتهء جنكيز خاتى بر همنامى اين علقمه وزير بى تدبير سلطنتش متاصل و دولتش منتقل كشت شيخ سعدى شيرازى در مرثيه مستصم عباسى كويد:

اسمان را حق بود كر خون ببارد بر زمين

بر زوال ملك مستصم امير المومنين

اى محمد كر قيامت مى برارى سر زخاك

سر برارو بر قيامت در ميان خلق بين

ياقوت شاكرد اين بواب است. وى تعليم اين مقلة كه وزير القاھر بالله عباس است و مخترى شش رقم خط ثلث است كه محقق توقيع رقاع تعليق نسخ و

رحان) مُحَمَّد شَارِيف سَادِر زِيَّ، تَاذْكِيرَاتُ اَل-خَاتِّطُوْن، ʻUzFAʻSHI, iNV. №1304, 4-5. var;

<sup>6</sup> Қаранг: ʻУша рисола. – Б. 28.

хати назариётчиларидан бўлмиш Исҳоқ бинни Иброҳим биринчи мартаба “насх” ҳамда “суле” хатларининг қоидаларини яратган<sup>7</sup>.

Абул-Ҳасан Али ибн Ҳиллол – “Ибн Баввоб” номи билан машҳур йирик хаттот. У дастлаб Муҳаммад ибн Асад кейинги вақтларда Муҳаммад ибн Симсимонийдан хатни машқ қилиб, сўнгги вақтда Абу Али ибн Муқланинг хатларини тўплаб, унинг услубига чирой бериб гўзаллаштирган, шу билан хатнинг ҳусни бир неча бор ортиб баднийлик ҳамда эъжоз даражасига етган ва хатто, уни возеъ хати – деб атаганлар.

Ибн Баввобнинг хат тўғрисида тутган йўли ҳамда шеvasида кўпчилик бир фикрда. Қўлнинг кучлилиги, хатнинг услуби ҳамда қоидаларга риояси, гўзаллик, тозалик, текислик ва тезликда Ибн Баввоб ўз замонасининг яғонаси бўлган. Муҳаққақ ҳамда райҳоний хатини гўзал ёзишдаги барча қоидаларда, йўғон, ингичка қаламларда китобат қилишда у юксак даражага етган.

Унинг отаси Олий Бувайҳ (Алоуддавла Али ибн Бувайҳ) замонида (XI аср) эшикчи бўлганлиги учун Ибн Баввоб (эшикчи ўғли) лақаби билан аталган. Араб хати ҳақида бизгача етиб келган энг қадимий рисола машҳур араб олими ҳамда хат назариётчиси Ибн Баввобнинг “Қасидаи роия” рисоласидир. Йигирма икки байтдан иборат бўлган “роия” қасидасида X аср муаллифи Ибн Баввоб Абу Али ибн Муқла таълимотини давом эттириб, хат қоидалари ҳамда хаттотлик санъати ҳақида ғоят қимматли фикрларни баён қилган (400/1010 йилда ёзилган).

Бироқ Ибн Баввоб ихтиро этган хат намуналари ҳақида XVI асргача деярли ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ. Фақат XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб 908/1502-1503 йилда вафот этган араб хаттотларидан محمد بن حسن الطيبى Муҳаммад бин Ҳасан ат-Тиббий ўзининг كتابه الكتان جامع مفاصل كتابه рисоласида Ибн Баввоб томонидан 17 хил хат ихтиро этилганлигини тўла равишда баён қилган ҳамда бу 17 хил хатни Ибн Баввоб ёзган мўътабар нусхалардан кўчириб, уларнинг номларини бирма-бир кўрсатган<sup>8</sup>. Муҳаммад бин Ҳасан ат-Тиббий рисоласини араб олимларидан Салоҳиддин ал-Мунажжид 908/1502-1503 йилда кўчирилган нусхасини 1962 йили факсимал шаклида нашр қилдирган ва унга катта сўз боши ёзган<sup>9</sup>.

Араб хатининг ҳуснихатдаги энг муҳим қоидалари турларини машҳур ихтирочиси Ибн Баввоб 36 услуб хатдан 16 услубини Абу Али ибн Муқладан кейин ихтиро қилганлиги ҳамда такомиллаштирганини XVI аср (1519 йил)да яшаган улуғ хаттот Муҳаммад бин Ҳасан ат-Тиббий ўзининг “Жомеъи маҳосини китобат ул-кутуб” номли асарида Ибн Баввоб усулида суратларни ёзиб кўрсатган<sup>10</sup>. Ибн Баввоб 413/1022 вафот этган.

X асрга келиб хаттотлик санъати ислом оламида маданий юксакликка эришган. Куфий хат ёзуви ўз ўрнини насх ҳамда бошқа давр алмашинувини тасвирловчи ёзувларга бўшатган. Хаттотлик санъати тарихида “Буюк хаттотлик даври” вужудга кела бошлаган. Хаттотлик ва китобат санъатида илк моҳир, гўзал, зебо хат усталари

<sup>7</sup> Муродов А. Ўрга Осие хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан. 1971. – Б. 28.

<sup>8</sup> Муродов А. Ўрга Осие хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан. 1971. – Б. 30.

<sup>9</sup> Доктор Салоҳиддин Мунажжид, Муҳаммад бин Ҳасан ал-Тиббийнинг. Жомеъи муҳосини китобат ул кутуб китоби ҳақида. Байрут. – 1962.

<sup>10</sup> Ибн ал-Баввоб қўлёзмасининг тўлик матни, Ирландия пойтахти Дублинда сақланмоқда. Уни Бағдодда араб хаттот Абул Ҳасан Али ибн Ҳиллол ёзган ва Ибн ал-Баввоб номи билан танилган. Бу ҳижрий 391 йилга тўғри келади. Ушбу фото нусха [https://t.me/buxoro\\_xattot](https://t.me/buxoro_xattot) расмий телеграм каналида 11 март 2020 йилда эълон қилинган.

хамда хат турларини ихтиро қилган таниқли буюк хаттотларнинг хат турлариган мухтасар изоҳ беришни лозим кўрдик. Улар куйидаги хат турлари:

Куфий хати<sup>11</sup> - бу хат Куфа шаҳрида ижод этилгани учун Куфага нисбат берилиб “Куфий” – дейилган. Ушбу хат Куфа шаҳрида яратилгандан кейин Ҳияра, Шом, Макка ва Мадинанинг улуғ кишилари Куфага йирилганлар, илм-фанда юқори боскичга кадам қўйганлари каби хат ҳамда хаттотлик санъати китобатда олға силжиган. Қалам билан эмас, хатто ҳандаса асбоблари билан бу хатнинг расмини чизиб ёза бошлаганлар. Кейинчалик бу хатни куфий номи билан юритганлар.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар:**

1. Абдулғафур Раззоқ Бухорий. Хуснихат дурдоналари. – Т.: Мовароуннаҳр. 2008. – Б. 5.
2. Доктор Салоҳиддин Мунажжид, Муҳаммад бин Ҳасан ал-Тиббийнинг. Жомеъи муҳосини китобат ул куттоб китоби ҳақида. Байрут. – 1962.
3. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан. 1971. –195 б.
4. Муҳаммад Шариф Садр Зиё, Тазкират ул-хаттотон, ЎзФАШИ, инв. №1304, 4-5. вар;
5. Ҳабиб, Хат ва хаттотон, инв. № 3640,21. вар.

**Интернет тармоқлар:**

1. [https://t.me/buxoro\\_xattot](https://t.me/buxoro_xattot) расмий телеграм каналида 11 март 2020 йилда эълон қилинган.
2. <http://notiq.uz/xizmatlar/xattotlik/istiqbolli-yosh-sanatshunos>.

<sup>11</sup> Ҳабиб, Хат ва хаттотон, инв. № 3640,21. вар.

16.	Джураев Ҳ.Х.	ХАТ ТУРЛАРИ, УСЛУБЛАРИ ВА ХАТЛАРИНИ КАШФ ЭТИЛИШ ТАРИХИ	114
17.	Мукамалзода Ф.Ф.	ЭКОНОМИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ ТАДЖИКИСТАН	118
18.	Наджмиддинов Ф.Н., Косимов Д.М.	ОПТИМИЗАЦИИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ РИСКА	122
19.	Норова Ф.	МАВЛОНО ВА ФАРЗОНА	132
20.	Петрусевич А.А.	ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СОВРЕМЕННОГО УЧИТЕЛЯ	140
21.	Почкаев Р.Ю.	МНОВЛАСТИЕ В ГОСУДАРСТВЕ ШАЙБАНИДОВ (ОПЫТ КОМПЛЕКСНОГО АНАЛИЗА) <sup>1</sup>	145
22.	Пулотова Ш.Х., Султонова Р.Д.	ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩЕЙ ЖИЗНЕДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ	154
23.	Раҳматуллоев И. Ҳочиев К.	ХАЙКАЛЧАИ САНГИ АЗ САРАЗМИ БОСТОНИ	159
24.	Раҳматова К.	ШУҲРАТИ САЪДИ ДАР ФАРОНСА	164
25.	Сарипбекова А.Т.	ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА ПЕДАГОГОВ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ	166
26.	Соатова Г.М., Толлибоев Д.М.	ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРНЕТА В ОРГАНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ	171
27.	Тиллаходжасва Х. Дж.	ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ МЕРЫ ПО СОЗДАНИЮ ОТДЕЛОВ ГРАЖДАНСКОЙ РЕГИСТРАЦИИ	175
28.	Толлибоев Д. М.	ОСНОВНЫЕ ЗАДАЧИ ПРОЕКТИРОВАНИЯ РАЗВИТИЯ ОБРАЗОВАНИЯ В БУДУЩИХ ПОКОЛЕНИЙ	178
29.	Турсунов А. С.	МИГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ В ГОРОДАХ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА	182
30.	Турсунов С. Н.	СУРХАНСКИЙ ОАЗИС В ЭПОХУ	186

<sup>1</sup> Бознашр аз "Нумизматика Золотой Орды", 2014, №4. – Казань, 2014. – С.126-135.